*Адл ила олам юзин обод қил*

# Куч–адолатда

2020 йил
20 март,
жума
№ 12 (785)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## АҲОЛИ ВА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 март куни коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.***

— Бугунги шароитда саноат корхоналари, тадбиркорлар ва экспортёрлар биздан аниқ ва самарали чоралар кутмоқда. Шу боис иқтисодиётда ҳисоб-китоб қилинаётган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун захира яратиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Президентимиз коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳодисаларнинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида фармон қабул қилди. Ҳужжатга асосан, Инқирозга қарши жамғарма тузилиб, унда 10 триллион сўм шакллантирилади.

Йиғилишда фармонда белгиланган долзарб вазифаларни амалга ошириш, пандемиянинг иқтисодиётга салбий таъсирини юмшатиш масалалари муҳокама қилинди.

Коронавирус тарқалашининг олдини олиш, шифохоналарни дори, ҳимоя ва диагностика воситалари билан таъминлаш, карантин харажатларини ўз вақтида молиялаштириш зарурлиги таъкидланди.

Юртимизда коронавирусга қарши курашиш ишларига қарийб 5,5 минг нафар тиббиёт ходими жалб этилган. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб, ойлик маошига қўшимча 120 фоиз устама тўлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Касалланганларни ўз вақтида аниқлаш ва профилактикага эътиборни кучайтириш, бунинг учун барча ҳудудий юқумли касалликлар шифохоналарини экспресс-тестлар билан таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияга карантинга олинган фуқаролар назоратини таъминлаш юклатилди.

Коронавирус таъсири энг юқори бўлган иқтисодиёт тармоқларига солиқ таътиллари ва кредит қарзлари бўйича имтиёзлар бериш, бюджет ссудалари ажратиш юзасидан вазифалар белгиланди.

Масалан, меҳмонхона бизнесида 90 миллиард сўмлик, транспорт-логистика соҳасида 650 миллиард сўмлик, умумий овқатланиш муассасаларида 180 миллиард сўмлик, ташқи савдо корхоналарида 3,6 триллион сўмлик кредитларни қайтариш имконияти пасаймоқда. Туристик фирма ва меҳмонхоналар ҳар бир сайёҳ учун кунига 2-3 доллардан туризм йиғими тўлаб келмоқда.

Шу боис ушбу корхоналарнинг кредит муддатларини узайтириш, туристик йиғимлар ундиришни вақтинча тўхтатиш бўйича кўрсатма берилди. Ҳокимларга иқтисодий қийинчиликка дуч келган корхоналардан маҳаллий солиқларни ундиришни 6 ойгача кечиктириш ваколати берилади.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, пандемия сабабли фаолиятини тўхтатган тадбиркорларга банклар орқали фоизсиз бюджет ссудалари ажратилади. Ҳокимларга иқтисодий қийинчиликка дуч келган корхоналардан маҳаллий солиқларни ундиришни 6 ойгача кечиктириш ваколати берилади.

Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромад солиғи, фермерларнинг сув солиғи 50 фоизга камайтирилади. Бунда маҳаллий бюджетдаги йўқотишлар республика бюджетидан қоплаб берилади.

Йил якунига қадар солиқ текширувларига мораторий эълон қилинади ва қийналган корхоналарга солиқ қарзлари учун пеня ҳисоблаш тўхтатилади. Бундай қийин шароитда тадбиркорни бирорта текширувчи безовта қилмайди.

Халқаро савдодаги вазиятни инобатга олиб, экспорт-импорт бўйича кечиктирилган қарздорликка жарима қўлламаслик, "яшил йўлак"лардан маҳсулот ўтказишни кўпайтириш, юк ташишда юзага келаётган масалаларни оператив ҳал этиб бориш бўйича топшириқлар берилди.

— Ҳозирги ҳолатда баъзи корхоналарнинг солиқ тушадиган базаси камайиши табиий. Лекин бу камомад нима ҳисобидан қопланиши бўйича мутасаддиларда кундалик таҳлил ва сўров бўлиши шарт, — деди Президент.

Йиғилишда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Карантинга ёпилган муассасалар ходимлари, карантиндаги фуқаролар ва уларга қаровчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий нафақа олувчилар сонини камида 10 фоизга ёки 60 мингтага ошириш бўйича вазифалар қўйилди.

Карантиндаги фарзандларига қараётган ота-оналарни ишдан бўшатишга мутлақо йўл қўйилмайди. Уларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси юз фоиз тўлаб берилади.

Мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари фаолияти тўхтаб турган даврда тарбияланувчилар ва бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга йиллик меҳнат таътилидан фойдаланишнинг йиллик режасидан қатъи назар йиллик меҳнат таътили тақдим этилади.

Иқтисодий фаоллик пасайган пайтда аҳоли бандлиги масаласи алоҳида эътибор талаб этади. Шу боис Инқирозга қарши жамғармадан Жамоат ишлари жамғармасига қўшимча 200 миллиард сўм ажратилади. Ушбу маблағлар одамларни иш билан таъминлаш, бунинг учун маҳаллаларда қўшимча инфратузилма объектлари қуришга йўналтирилади. Шунингдек, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 500 миллиард сўм қўшимча маблағ берилиб, иш ўринлари яратадиган бизнес субъектларга кўмаклашилади.

Ушбу чора-тадбирларни сифатли бажариш мақсадида Бош вазир раҳбарлигида Инқирозга қарши республика комиссияси тузилиши белгиланди. Ушбу комиссия 22 мартдан бошлаб икки ой давомида ҳар бир туман ва шаҳарда коронавирусга қарши курашиш, саноат, хизмат кўрсатиш, савдо, транспорт, логистика ва бошқа корхоналарни барқарор ишлатиш масалаларини ҳал қилиб боради.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасига бозорлардаги нарх-навонинг ўзгаришини кузатиб бориб, мавжуд захирадан қўшимча маҳсулотларини савдога чиқариш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ВА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Жаҳон миқёсида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда, шу жумладан, инсонларнинг ҳаракатланишига чекловлар киритиш ва корхоналар фаолиятини тўхтатиш орқали мисли кўрилмаган чоралар кўрилмоқда.

Бу эса энг йирик иқтисодиётга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хомашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувини келтириб чиқарди.

Глобал иқтисодиёт тизимининг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам мазкур омиллар таъсир қилмоқда, бу эса ўз навбатида ушбу ҳолатнинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олувчи чоралар кўришни талаб қилади. Бунда туризм, транспорт, фармацевтика ва тўқимачилик саноати каби республика иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, **10 трлн сўм** миқдоридаги **Инқирозга қарши курашиш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Инқирозга қарши курашиш жамғармаси) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

**а) коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича қуйидаги тадбирларни молиялаштириш,** шу жумладан:

даволаш ва бошқа муассасаларни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар, ҳимоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш;

хавф-хатар остида бўлган ёки вирус юқтирганлар билан мулоқотда бўлган шахсларни карантинда сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда иштирок этаётган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан ҳимоя чораларини амалга ошириш харажатлари учун қўшимча маблағлар ажратиш;

юқумли касалликларни аниқлаш, профилактика қилиш ва даволаш бўйича тадбирларга жалб этилган даволаш ва бошқа муассасаларни қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш;

**б)** қуйидагилар орқали **тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш:**

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан биринчи навбатда ижтимоий аҳамиятга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш учун берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплашга кафиллик ҳамда компенсация тақдим этишни кенгайтириш;

республика ҳудудларида иқтисодий фаолликни ва бандликни кенгайтиришга қаратилган қўшимча инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, энг аввало, кичик саноат зоналарида муҳандислик коммуникацияларини қуриш;

**в) аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш,** шу жумладан, қуйидагилар учун қўшимча маблағлар ажратиш:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши орқали кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича чораларни кучайтириш ва нафақа олувчилар сонини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига жамоат ишларини кенгайтириш;

"Ишга марҳамат" мономарказларини ва касбга тайёрлаш марказларини ташкил қилиш, шунингдек, меҳнат мигрантларини касбга ва тилга ўргатишни ташкиллаштириш орқали уларни қўллаб-қувватлаш;

**г)** қуйидагилар орқали **иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш:**

Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида жалб этилган кредитларни сўндириш, шунингдек, биринчи даражали харажатларни амалга ошириш учун фоизсиз бюджет ссудалари ажратиш йўли билан стратегик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

ташқи савдо фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш;

коронавирус инфекцияси тарқалишининг салбий таъсирига энг кўп учрайдиган иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини, шунингдек, кредит портфели сифати ёмонлашган ҳолларда тижорат банкларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чораларини тақдим этиш;

уч йилгача бўлган муддатга фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш орқали солиқ тўлаш муддатлари бўйича кечиктириш тақдим этилиши ҳамда тадбиркорлик фаоллигининг сустлашиши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида олинмай қолинадиган даромадлар ўрнини тўлдириш.

2. Инқирозга қарши курашиш жамғармаси манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари (шу жумладан, харажатларни мақбуллаштириш ҳисобига), халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Инқирозга қарши курашиш жамғармасини молиялаштиришни таъминлаш мақсадида 2020 йилда бюджетни қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва бошқа манбалар ҳисобидан **1 млрд АҚШ доллари** миқдоригача ташқи қарз маблағларини, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари, экспорт қилувчилар ва тижорат банкларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш учун қўшимча маблағларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

икки ҳафта муддатда солиқ ва божхона маъмурчилигини такомиллаштириш орқали ишга солинмаган захираларни излаб топиш, ҳисобланган солиқлар тўлиқ тўланишини таъминлаш, "яширин" иқтисодиётни қисқартириш ҳамда солиқ ва божхона маъмурчилигининг янги самарали шаклларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин.

(Давоми 3-бетда) ▶

**Маълумки, Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қонун маъқулланган эди. Шу йил 16 март куни давлатимиз раҳбари ушбу қонунни имзолади.**

*Қонун моҳияти*

## Янги қонун — амалда:

### *аҳолини рўйхатга олишда қайси жиҳатларга эътибор қаратилади?*

Айтиш керакки, мамлакатимизда охирги марта аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари 1989 йилда ўтказилган. Орадан 30 йил ўтган бўлишига қарамай, аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари бирор марта ҳам амалга оширилмади.

Кейинги йилларда шаҳарларда кўп қаватли уйлар қурилмоқда, аҳолининг зичлиги тобора ортиб бормоқда. Лекин ушбу ҳудуд учун зарур бўлган мактаб, боғча, оилавий поликлиникаларни қуриш масаласи-чи?

Афсуски, бу саволлар очиқ қолмоқда. Шу боис рўйхатга олишдан кўзланган асосий мақсад — шунчаки рақамларни йиғиш эмас, балки уларни таҳлил қилишдан иборат.

Мазкур янги қонун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2015 йил 10 июндаги резолюциясига таяниб, Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Муносабат*

## COVID-19 вируси – жамиятимиз жипслигини синайдиган жиддий имтиҳон

**Шу йил 18 март куни маҳалла ва оила масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев коронавирус муаммосига тўхталар экан, вазият тўлиқ назорат остида эканини алоҳида таъкидлаб, халқимизга мурожаат қилди.**

**Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, "Бу ҳаётнинг кўп оғир синовларини ва яхши-ёмон кунларини бошидан кечирган халқимиз ҳаммасини тўғри тушуниб, масалага онгли ёндашмоқда. Муфтият раҳбарлигида диний уламолар юртимизга тинчлик-хотиржамлик, беморларга шифо тилаб, дуои фотиҳалар қилишмоқда. Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳаммамиз якдилмиз ва, ишонамизки, бу қийинчиликлар, албатта, ўтиб кетади".**

Маълумки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2020 йил 11 март куни янги коронавирус — COVID-19 вирусининг эпидемия ҳолатидан, яъни бир ҳудуд чегарасидан чиқиб, сайёрамизнинг 150 дан ортиқ мамлакатига тарқалиб улгурган пандемияга айланганини эълон қилди.

Жорий йилнинг 17 март ҳолатига кўра, бутун дунёда 183 мингдан зиёд бемор қайд этилган бўлиб, уларнинг 79 мингдан ортиғи тузалиб кетган, 7 минг 175 киши вафот этган. Ўлимларнинг асосий қисми Хитой (3 минг 226 нафар), Италия (2 минг 158 нафар) ва Эрон (853 нафар) ҳиссасига тўғри келмоқда.

БМТ Бош котиби **А.Гутерриш** жаҳон жамоатчилигини коронавирусга қарши курашишга даъват этар экан, **"пандемия бизнинг инсоният оиласи барча аъзолари ўртасида мустаҳкам ва узилмас ришталар мавжуд эканини кўрсатди"** деб таъкидлади. Шу маънода, COVID-19 вируси янада кенг тарқалишининг олдини олиш инсониятнинг умумий ва якдил вазифаси экани алоҳида қайд этилди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари **Мишель Бачелет** 13 март кунги баёнотида **"COVID-19 коронавируси тарқалишига қарши чораларни жорий этаётган ҳукуматлар бундай чораларнинг инсон ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган салбий оқибатларини камайтириш юзасидан бир қатор қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириши"** зарурлигини уқтирди.

(Давоми 3-бетда) ▶

## Элдан дард кетгуси бирлашса улус

***Дунё эшиклари кенг очилган замонда яшаяпмиз. Дунёни кўраяпмиз, янада яхшироқ билаяпмиз. Шу билан бирга, дунё ҳам бизни тобора кўпроқ танияпти, эътибор бераяпти, биз дунёдан, дунё биздан ўрганаяпти.***

Ҳа, дунё билан тиллашувнинг афзалликлари кўп, муаммолари ҳам йўқ эмас. Неча ойларки, бутун дунё аҳли диққатини ўзига тортган, хавотирга солган коронавирус пандемияси, таъбир жоиз бўлса, ана шундай бир синов бўлди. Бугун бу синовни биз, ўзбекистонликлар ҳам бошдан кечираяпмиз.

Албатта, эндиликда бундай синовларни ҳам ҳаёт ҳақиқати сифатида қабул қилишимиз, шу билан бирга ўзбек халқига хос юксак ирода ва матонат, бирлик ва аҳиллик билан уни енга билишимиз лозим.

Халқимизда "Ботқоқ ернинг кенглиги бақага яхши", деган ҳикмат бор. Таассуфки, шов-шувга ўч, оғзига кучи етмайдиган айрим устаси фаранглар мавжуд ҳолатдан фойдаланиб қолишга уриниб, ижтимоий тармоқлар ва хориждаги айрим ОАВда отларига қамчи уришга чоғландилар: фалон ерда чириган сабзавот сотишибди, анави катта савдо растаси бўм-бўш бўлиб қолибди, уннинг нархи кўтарилибди, картошка фалон сўм бўлиб кетибди...

"Ўзбекистонда беморлар сони 6 кишига етди, бозорларда саросима бошланди", дея ёзади 16 март куни биздан олислардаги "Озодлик" радиоси веб-сайти. Мен эса бозорда шу куни улар айтган саросима бошланганини кўрмадим.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ВА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар ойда комплекс чора-тадбирлар ижроси ҳамда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йил 1 июнга қадар юзага келаётган макроиқтисодий вазиятни, шунингдек, қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини аниқлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин:

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, жумладан, кичик саноат зоналарига муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш учун имкониятларни тақдим этувчи янада устувор бўлган инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга маблағларни қайта йўналтирган ҳолда Инвестиция дастурини қайта кўриб чиқиш;

Инқирозга қарши курашиш жамғармасини ташкил этиш ҳамда тадбиркорликни ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш учун харажатларни ошириш;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2020 йилда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзларининг чегаравий ҳажмларини қайта кўриб чиқиш;

қўшимча харажатларни мақбуллаштириш ва чеклаш юзасидан аниқ таклифларни киритган ҳолда қатъий бюджет интизоми.

4. **Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси** иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича юзага келадиган муаммоли масалаларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгилансин.

Вазирлар Маҳкамаси икки кун муддатда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари бошчилик қиладиган Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг ҳудудий штабларини уларнинг аниқ функция ва вазифаларини белгилаган ҳолда ташкил этсин.

**Барча даражадаги раҳбарларнинг идоравий мансуб ташкилотларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг юзага келган муаммо ва қийинчиликларни ҳал этиш мақсадида қилган мурожаатларига алоҳида эътибор қаратиш, расмиятчилик, сансалорлик ва бюрократияга йўл қўйилмаслиги юзасидан шахсий жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.**

5. Белгилансинки:

а) **2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача** бўлган даврда:

якка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 фоизига қадар камайтирилади;**

алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг ажратмалари миқдори **5 фоиздан 3 фоизга пасайтирилади;**

умумий овқатланиш корхоналари учун алкоголь маҳсулотларини чакана сотиш ҳуқуқи учун йиғимлар миқдори белгиланган миқдорлардан **25 фоизга камайтирилади;**

б) **2020 йил 1 апрелдан 1 июлгача бўлган даврда туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади;**

в) қишлоқ хўжалигидаги ерларни суғориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари **2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50 фоизга пасайтирилади;**

г) 2019 йил учун жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш муддати **2020 йил 1 августга қадар узайтирилади;**

д) жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш муддати **2020 йил 15 октябрга қадар узайтирилади.**

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2020 йил 1 апрелдан жисмоний шахслар томонидан** хайрия ташкилотларидан моддий наф тарзида олинадиган **даромадларни солиққа тортишдан озод қилиш тўғрисидаги** таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда мазкур бандда белгиланган имтиёзни 2020 йил 1 апрелдан амалга киритишни назарда тутувчи "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартириш, шунингдек, уларнинг ставкаларини камайтириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколати берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига фаолияти туризм соҳасига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини 30 фоизга камайтириш тавсия қилинсин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича фоизларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тақдим этсин. Бунда, кўрсатиб ўтилган солиқларни тўлашни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) солиқ тўловчиларнинг аризаси, шунингдек, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг хулосалари асосида, бошқа ҳужжатларни талаб қилмаган ҳолда тақдим этилади.

8. Белгилаб қўйилсинки, **2020 йил 1 октябргача** бўлган даврда:

ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилади;

солиқ органлари вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланишини тўхтатиб туради, шунингдек, солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини кўрмайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

замонавий ахборот технологияларини қўллаш ҳамда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган компанияларни жалб қилиш йўли билан солиқ ҳисоботларини тайёрлаш ва тақдим этишда "Солиқ хизмати" ДУК орқали солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш;

солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ хизмати органларига ташриф буюрмасдан солиқ мажбуриятларини бажариши учун уларга масофадан хизмат кўрсатишни кенгайтириш чораларини кўрсин.

10. **2021 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ аудитидан ўтказиш тўхтатилсин,** жиноят ишлари доирасида ва юридик шахсни тугатиш муносабати билан солиқ аудитидан ўтказиш бундан мустасно.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига қатъий риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин.

11. Тадбиркорлик субъектларига:

ҳисобот йилида амалга оширилган товарларнинг умумий экспортига нисбатан **10 фоиздан** ошмаган муддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд бўлган тақдирда, кафолатланган тўловни таъминламасдан товарлар экспортини амалга оширишга;

2020 йил давомида ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлигини сўндириш эвазига технологик асбоб-ускуналар ва хомашё товарларини импорт қилиш бўйича бир марталик операцияларни амалга оширишга рухсат берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Транспорт вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси билан биргаликда:

юкларни чегара божхона постлари орқали тезкорлик билан ўтказиш, уларнинг узлуксиз божхона расмийлаштирувини, шунингдек, экспорт ва импорт қилинаётган товарларга рухсат берувчи ҳужжатларнинг берилишини таъминлаш бўйича тезкор штаб ташкил этсин;

2020 йил 1 апрелдан бошлаб, импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг тезкор тартибда, шу жумладан, рухсат берувчи ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келгунга қадар бериш орқали божхона расмийлаштируви механизмини жорий этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги икки ҳафта муддатда глобал ишлаб чиқариш занжирлари, транспорт-логистика тизимлари ва савдо алоқаларидаги узилишлар таъсир қилаётган инвестиция лойиҳалари ташаббускорларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар юзасидан таклифлар киритсин.

14. Ҳудуд ва тармоқларда экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссиясига 2020 йил 1 октябрга қадар **экспорт қилувчиларнинг транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун** Экспортни рағбатлантириш агентлигига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан **субсидиялар тақдим этиш ҳақида мустақил қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.**

Ҳудуд ва тармоқларда экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссияси икки ҳафта муддатда экспорт қилувчиларни манзилли қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан чора-тадбирларини тасдиқласин, шунингдек, барча мулкчилик шаклидаги экспорт қилувчиларнинг юзага келаётган қийинчиликларини ўз вақтида аниқлаш ва тезкор ҳал қилишни таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган республика ҳудудларидаги қуйидагиларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашни назарда тутувчи **2020** йилга қўшимча инфратузилма лойиҳалари рўйхатини шакллантирсин:

кичик саноат зоналари инфратузилма объектлари учун — **400** млрд сўм миқдорида;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари, умумий фойдаланишдаги йўлларни жорий таъмирлаш учун — **1** трлн сўм;

сув таъминоти ва канализация объектлари учун — **500** млрд сўм;

ирригация ва мелиорация объектлари учун — **400** млрд сўм;

соғлиқни сақлаш объектлари учун — **500** млрд сўм;

умумтаълим мактаблари ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари учун — **800** млрд сўм;

иқтисодий фаоллик ва бандликни, шу жумладан, ипотека кредитлаш ҳажмларини оширишни таъминловчи бошқа объектлар учун.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиши ва ўрнатилган талабларга риоя қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

16. Белгилансинки:

коронавирус инфекцияси билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга **ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади;**

коронавирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган, шунингдек, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган **ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади.**

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сонини **2020 йил 1 апрелдан бошлаб 10 фоизга** ошириш чораларини кўрсин;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимлар коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинадиган даврда уларнинг ойлик лавозим маошига **6 фоиз миқдорида ҳар кунлик қўшимча тўловлар** жорий қилсин;

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ва ўз фаолиятини тўхтатган **мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари, спорт ва маданият муассасалари ходимларининг иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб берилишини таъминласин;**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда **аҳолига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этишнинг соддалаштирилган тизимини** ташкил этиш чораларини кўрсин.

18. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи тартибни жорий қилсин:

мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларнинг фаолияти тўхтатилган даврда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқувчиларининг ота-оналарига (улар ўрнини босувчи шахсларга, васийларга, ҳомийларга) йиллик таътилдан фойдаланиш графигидан қатъи назар (шу жумладан, 6 ойдан кам ишлаганларга) йиллик таътил тақдим этилади;

карантинга оид чоралар амал қилиши даврида иш берувчилар ходимларни, айниқса ҳомиладор аёллар, кексалар, имконияти чекланган ҳамда сурункали касалликка чалинган шахсларни, уларнинг розилиги билан, масофадан туриб ишлаш усулига, қулай иш графигига ёки уйдан туриб ишлашга ўтказишлари мумкин.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) банк ва тўлов тизимларининг узлуксиз ва барқарор фаолиятини таъминлаш чораларини қуйидагилар орқали кўриш:

пул-кредит сиёсати инструментларидан фаол фойдаланиш ҳисобига пул бозорига ҳар ойда умумий суммаси **1 трлн сўмгача** ликвидлик тақдим этиш;

банкоматларнинг етарли миқдордаги нақд пул маблағлари билан узлуксиз таъминланиши, шунингдек, масофавий банк хизматларини ривожлантиришни рағбатлантириш;

б) тижорат банклари томонидан:

туристик операторларга, меҳмонхона бизнеси субъектларига, транспорт-логистика компанияларига ва туризм тармоғининг бошқа корхоналарига, шунингдек, ташқи савдо операцияларига жорий этилган чекловлар туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредитлар бўйича умумий суммаси 5 трлн сўмлик қарздорликларни тўлаш бўйича кечиктиришни (жарима санкцияларини ҳисобламаган ҳолда) **2020 йил 1 октябрга қадар** узайтириш;

хусусий тадбиркорлик корхоналарига тақдим этилган айланма маблағларни тўлдириш учун, шу жумладан, истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан тўлдириш учун қайта тикланадиган револьвер кредитлар ажратиш;

**2020 йил 1 июнга қадар** кредит портфелини стресс-тестдан ўтказиш, шунингдек, муаммоли кредитларнинг ортиш хавфи мавжуд бўлган банкларда активлар сифатини баҳолаб бориш натижаларини тақдим этиш.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик субъектларига кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун кафиллик ва компенсациялар тақдим этиш ҳажмларини оширишга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси капиталлашувини **500 млрд сўмгача** оширсин.

21. "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ:

бир ой муддатда "Uzbekistan airways" АЖнинг 111 млн АҚШ долларига тенг бўлган кредитини қоплаш графигини 2020 йил учун қарздорликлар тўловини тўхтатган ҳолда қайта кўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари юзага келганлиги муносабати билан кредитлар ва улар билан боғлиқ тўловларни қайтариш шартларини қайта кўриб чиқиш бўйича "Uzbekistan airways" АЖнинг хорижий кредиторлари билан музокаралар олиб борсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси уч кун муддатда чекловлар амал қиладиган давр учун енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари келиб чиққанлиги ҳақида расмий хабарнома эълон қилсин ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мурожаатлари асосида бир кунлик муддатда тегишли сертификатлар берсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси:

истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ресурслари ҳажмларини мониторинг қилиш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш учун уларнинг биржага қўйиш ҳажмини ошириш чораларини кўрсин;

ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси томонидан импортга харид қилинадиган ва интервенция амалга ошириладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати ва зарур ҳажмларини аниқласин;

ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларининг бозорлардаги нархлари устидан кунлик мониторинг ўтказишни таъминласин ҳамда уларнинг нархларини сунъий ошириш, сунъий танқислик ва ажиотаж талабни вужудга келтиришга йўл қўймаслик устидан қатъий назорат ўрнатсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси озиқ-овқат маҳсулотларини шартномалар асосида ёки биржа савдолари орқали эркин нархларда, бозорни тўлдириш ва ички бозорлардаги маҳсулотлар нархларини барқарорлаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун етарли ҳажмларда сотишни таъминласин.

25. **Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси (А.Н.Арипов):**

**жорий йил 22 мартдан бошлаб икки ой давомида кунлик селектор йиғилишларини ўтказиб, ҳар бир ҳудудда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш, саноат, инфратузилма, транспорт ва логистика, ижтимоий соҳа объектлари, савдо тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш чора-тадбирлари ижросини батафсил муҳокама қилиб борсин ҳамда уларнинг натижаларига кўра юзага келадиган масала ва муаммолар бўйича тезкор қарорлар қабул қилсин;**

**ушбу Фармоннинг ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ҳафта ахборот бериб борсин** ҳамда, зарур ҳолларда, инқирозга қарши курашишнинг қўшимча чоралари бўйича таклифлар киритсин.

26. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш чораларининг амалга оширилиши, санитария-эпидемиологик ва тиббиёт муассасаларининг узлуксиз фаолиятини таъминлаш устидан шахсий назорат ўрнатсин;

тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг мурожаатларини тезкорлик билан кўриб чиқиш, жойларда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва бандликни таъминлаш бўйича қўшимча захиралар аниқланишини таъминласин.

27. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ошиб бораётган юкламани ҳисобга олган ҳолда телекоммуникация инфратузилмасининг барқарор фаолиятини таъминлаш чораларини кўрсин ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари мурожаатларини қабул қилиш учун "тезкор алоқа линиялари"нинг узлуксиз ишлашини таъминласин.

28. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш ҳамда унинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришга салбий таъсирини юмшатиш бўйича кўрилаётган чоралар ҳақида аҳоли ўртасида тизимли равишда ахборот-маърифий ишларни ташкил этсин.

29. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 19 март*

# COVID-19 вируси – жамиятимиз жипслигини синайдиган жиддий имтиҳон

◀ (Бошланиши 1-бетда)

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари, шунингдек, COVID-19 вирусига чалиниш ҳоллари қайд этилган мамлакатлар ҳукуматларини тоқатсизлик ва камситиш (дискриминация) ҳолатларига қарши курашиш учун барча зарур чораларни кўришга чақирди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори **Тедрос Адханом Гебрейесус** 2020 йил 16 март куни COVID-19 вируси бўйича ўтказилган матбуот анжуманида шундай деди: **"Олдимизда турган кунлар, ҳафталар ва ойлар бизнинг қатъиятимиз, илм-фанга нисбатан ишончимиз ва ўзаро бирдамлигимизни синовдан ўтказиш даври бўлиши тайин... Бу даврда инсоният бирдамлигининг ушбу ҳайратомуз руҳи дунё бўйлаб вирусдан кўра кенгроқ ёйилиши керак. Гарчи бир-биримиздан маълум муддатгача жисман узоқроқ бўлишимиз эҳтимоли мавжуд бўлса-да, биз шу вақтгача мисли кўрилмаган миқёсда бирлашиш имконияти олдида турибмиз".**

Бугунги кунда Ўзбекистон Ҳукумати коронавирус инфекцияси мамлакатимиз ҳудудида кенг тарқалмаслиги учун барча зарур чораларни кўрмоқда. Бу ўринда вазият олдиндан тўғри баҳоланиб, Президентимиз топшириғига мувофиқ Республика махсус комиссияси тузилганини алоҳида қайд этиш лозим. Шу боис Ўзбекистонга касалликнинг оммавий кириб келиши ва кенг тарқалишининг олди олинди.

Мамлакатимиз раҳбари халққа мурожаатида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш билан боғлиқ учта муҳим масалага тўхталди.

**Биринчидан,** шифокорлар тавсияларига амал қилиб, шахсий гигиена ва санитария қоидаларига ҳар биримиз ўз оиламиз, болаларимиз билан уйимизда, ишхонамизда ва борадиган жойларимизда қатъий амал қилишимиз зарур.

**Иккинчидан,** Давлат солиқ қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент озиқ-овқат ва бошқа кундалик истеъмол маҳсулотларининг нархи ошиб кетмаслиги учун барча чораларни кўриши керак.

**Учинчидан**, мажбурий таътил пайтида фарзандларимиз ўқув машғулотларини давом эттиришлари учун Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун тарихимиз, бой маданиятимизга оид кўрсатув ва эшиттиришлар, ёшларимиз учун фойдали ва қизиқарли бадиий дастурлар, кинофильмларни кўпайтириши лозим.

Ана шу муҳим вазифалар ижроси доирасида **Бош вазир А.Арипов** раҳбарлигидаги Республика коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича махсус комиссияси томонидан ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Хусусан, 16 мартдан бошлаб барча таълим даргоҳларида таътил эълон қилинди ва 80 минг нафар талаба марказлашган ҳолда уйларига жўнатилди. Одамлар гавжум жойларда оммавий тадбирларни ўтказиш чекланди. Ўзбекистон жаҳоннинг бошқа давлатлари билан транспорт алоқаларини тўхтатмоқда. Хориждаги юртдошларимиз чартер авиарейслари орқали Ватанимизга қайтарилмоқда.

Тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди. Сиҳатгоҳ ва оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди. Тиббиёт масканлари дори-дармон, ҳимоя ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди.

Телевидение, радио, Интернет, ижтимоий тармоқлар, мобил алоқа операторлари ва бошқа шу каби илғор оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, аҳоли ўртасида самарали санитария-тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бунда коронавирус инфекцияси тарқалишига олиб келадиган сабаблар ва шароитлар, шунингдек, унинг олдини олиш чоралари ҳақида фуқароларга атрофлича тушунтириш берилмоқда.

Инсоннинг яшаш, соғлигини сақлаш ва ахборот олиш ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қонунчилик талаблари доирасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Вирусга қарши курашишнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга таъсирини юмшатиш бўйича аниқ вазифалар бажарилмоқда. Жумладан, 16 мартдан эътиборан **ягона фавқулодда алоқа тизими (1003 рақамда)** ишга туширилди. Шунингдек, Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигига қуйидаги рақам бўйича мурожаат қилиш мумкин: **71-276-49-66.**

Ҳар бир ҳудудда ҳокимлар раҳбарлигида махсус штаблар ташкил этилган. Эпидемиологик вазият бўйича ҳар соатлик ва кунлик маълумот таҳлил қилиниб, тезкор чоралар кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбари кенг жамоатчилик эътиборини яна бир муҳим масалага, яъни ҳозирги вазиятда айрим масъулиятсиз, ҳақиқий ҳолатдан бехабар ва ўзини "пиар қилиш"ни яхши кўрадиган одамлар турли миш-миш ва уйдирмаларни тарқатишга уринаётганига қаратди. Аммо **"саросима ёки ваҳима кайфиятига берилмаслик керак. Матбуот ва ижтимоий тармоқларда нотўғри, асосланмаган маълумотларни тарқатишга йўл қўймаслигимиз зарур. Бу масалани ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳам алоҳида назоратга олиши лозим",** деди Президентимиз.

Чиндан ҳам, кейинги вақтларда ижтимоий тармоқларда ҳатто коронавирус инфекциясига чалинган кишиларнинг шахсий маълумотларига доир ахборотлар ҳам тарқалгани кузатилди. Ваҳоланки, "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, бемор **"тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлиғининг ҳолати, қўйилган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва даволаш чоғида олинган бошқа маълумотлар сир сақланиши"** ҳуқуқига эга.

Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг қуйидаги чақириқларига жамоатчилигимиз эътиборини қаратади:

- COVID-19 вируси тарқалишига доир вазият ва ундан ҳимояланиш чоралари бўйича **маълумотлардан фойдаланишда ишончли ахборот манбаларига таяниш;**
- ўзаро ғамхўрлик кўрсатиш ва бирдамликни намойиш этиш, **яқинлар ва қариндош-уруғлар билан доимий мулоқотда бўлиш;**
- пандемияга қарши курашнинг бошида турган **тиббиёт ходимларининг шу кунлардаги фидойи хизматларини ёдда тутиш;**
- инфекцияга чалинганларга нисбатан, масалан, **"коронавирус қурбонлари"** каби ҳар хил **"атамалар"**ни қўллашдан тийилиш;
- **инсонийликни намоён этиш:** бинобарин, коронавирус қандайдир миллат ёки ирққа мансуб касаллик эмас; ушбу инфекцияга чалинганлар сизу бизга ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмайди — улар мададимиз ва ҳамдардлигимизга лойиқдирлар.

Мухтасар айтганда, COVID-19 вируси — жамиятимизнинг жипслигини синайдиган жиддий имтиҳондир. Бинобарин, ҳар биримиз коронавируснинг тарқалишига қарши биргаликда аҳиллик билан курашиш асносида ушбу синовдан муваффақиятли ўтишни ўрганамиз ва зарур кўникмалар ҳосил қиламиз. Президентимиз таъкидлаганидек, **"Кўпни кўрган халқимиз янада жипслашиб, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, бу мураккаб синовларни ҳам енгиб ўтади".**

**Акмал САИДОВ,**
*Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори*

*Қонун моҳияти*

# Янги қонун — амалда:

## *аҳолини рўйхатга олишда қайси жиҳатларга эътибор қаратилади?*

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши бир қатор натижаларга эришиш имконини беради. Жумладан, аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунчилик асоси яратилди.

Шу билан бирга, аҳоли таркибидаги маҳаллий ва глобал ўзгаришларни баҳолаш, демографик сиёсатни, аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш, аёллар ва болалар аҳволини яхшилаш, оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун ахборотлар базасини шакллантиришда ушбу янги қонун муҳим ўрин тутади.

Яна бир жиҳат: янги қонун асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, мақсадли дастурлар ишлаб чиқилади.

Шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш имконияти кенгаяди. Энг муҳими, янги қонун аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг ўз вақтида ва сифатли ташкил этилишига хизмат қилади.

Аҳолини рўйхатга олиш ўн йилда камида бир марта ўтказилади. Бундай тадбирни ўтказиш тўғрисидаги қарор Президент томонидан қабул қилинади. Вазирлар Маҳкамаси эса, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисида таклифни камида уч йил олдин Президентга тақдим қилади.

Бундан ташқари аҳолини рўйхатга олишнинг шахсга доир маълумотлар махфийлиги, респондентнинг розилигисиз ошкор этилмаслиги ва тарқатилмаслиги қонун билан белгилаб қўйилган.

Аҳолини рўйхатга олиш Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси, аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат статистика қўмитаси эса, аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Қонунда респондентлар ва рўйхатга олувчи ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, респондент рўйхатга олувчи ходимлардан тегишли гувоҳномани кўрсатишини талаб қилиши, ходим гувоҳномани кўрсатишни рад этган тақдирда рўйхатга олиш варағидаги саволларга жавоб бермаслиги мумкин.

Фуқаро саволларга жавоб беришни рад этган тақдирда, рўйхатга олиш варағи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги мавжуд маълумотлар асосида тўлдирилади.

Рўйхатга олиш варағидаги ишончли маълумотларни тақдим этиш фуқаронинг ҳуқуқидир. Шу маънода биз юртдошларимизга айнан уларнинг жавоблари мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий прогнозлаштиришда муҳим аҳамият касб этишини тушунтиришимиз керак.

Масалан, ишсиз фуқаронинг жавоби меҳнат бозорини ўрганиш, қолаверса, фуқаро яшаётган ҳудудда унинг касби ва маълумотини инобатга олган ҳолда янги иш ўринларини яратиш имкониятини беради.

Ўз навбатида, рўйхатга олувчи ходим ҳам шахсга доир маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши, уларнинг мазмунини ошкор қилмаслиги шарт.

Ушбу жараёнда аҳолига қандай саволлар берилади?

Энг аввало, фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми; туғилган санаси ва жойи; ёши, жинси, миллати; фуқаролиги, яшаш жойи; тилларни билиши, маълумоти; никоҳ ҳолати, болаларининг сони; уй хўжалиги таркиби, уй-жой шароитлари; бандлиги, яшаш учун маблағлар манбалари; миграцияга алоқадорлиги билан боғлиқ саволлар берилади.

Ушбу саволлар рўйхатига Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан қўшимча равишда бошқа саволлар ҳам киритилиши мумкин.

Рўйхатга олиш варағига қандай саволлар киритилмайди?

Жавоблари давлат сирларига, тижорат сирига ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга тааллуқли ахборотни ўз ичига олиши мумкин бўлган, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи саволлар рўйхатга олиш варағига киритилишига йўл қўйилмайди.

Сўров давлат тилида ўтказилади. Давлат тилини билмайдиган респондентлар ўз она тилида ёки эркин равишда танланган мулоқот тилида сўровдан ўтказилиши мумкин.

Аҳолини рўйхатга олишнинг якуний маълумотларидан фуқароларга мулкий ва маънавий зарар етказиш, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини амалга оширишни қийинлаштириш мақсадида фойдаланиш мумкин эмас.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонун аҳолини рўйхатга олиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадларига хизмат қилади.

**Робахон МАҲМУДОВА,**
*Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси*

# Элдан дард кетгуси бирлашса улус

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу "Озодлик" сайтида изоҳ қолдирган бир юртдошимиз М.Қамбарова ҳам менинг сўзимни тасдиқлагандай: "Андижон бозорларида нарх-наволар ошмади. Ҳудудий савдо ярмаркалари ташкил этилди, ваҳимага ўрин йўқ", деб ёзади. Хуллас, бундай мисолларни кўп келтириш мумкин.

Мамлакатимизда ушбу синовдан тинч-хотиржам ўтиш учун барча чора-тадбирлар кўрилаяпти. Бозорларимиз ва савдо расталаримиз мўл-кўл. Ҳар бир соҳа мутасаддилари вақти-вақти билан халқимизга маълумот бериб турибди.

Таъкидлаш жоизки, аксарият журналист ва блогерлар бу жараёнда фаоллик кўрсатиб, мамлакатдаги ҳақиқий ҳолат ҳақида халқимиз ва хорижий аудиторияга ҳаққоний маълумотлар тарқатмоқда. Хусусан, ҳуқуқшунос ва блогер Хушнудбек Худойбердиевнинг чиқишлари нафақат воқеликни холис ва ҳаққоний акс эттириш, балки халқимизга ўзига хос тушунтириш беришга хизмат қилмоқда.

"Олтин қалам" миллий мукофоти соҳибаси, журналист Барно Султонова эса талабаларни текинга олиб кетган водийлик ҳайдовчини мисол келтириб, ўз каналида барчани ҳамжиҳат бўлишга чақиради. "Келинг, бирлашайлик. Бир киши ниқоб тақмай ёки тартиб-қоидага бефарқлик қилиб касал бўлса, қанча одамга юқтиради ва ниқоб тақса, олдини олса, қанча одамни сақлаб қолади. Сақлаб қолувчи ҳам, тарқатувчи ҳам СИЗ ёки МЕН бўлишимиз мумкин", деб ёзади у.

Дарҳақиқат, бундай пайтларда воқеалар жарчиси бўлган биз журналистлар, айниқса, ҳар қачонгидан ҳушёр бўлишимиз, холислик ва ҳаққонийлик тамойилларига қатъий амал қилишимиз, ижтимоий тармоқларда билиб-билмай, ё бўлмаса атайлаб тарқатилаётган асоссиз гапларга тезкорлик билан муносабат билдиришимиз, асл манзарани кўрсатиб беришимиз ниҳоятда муҳимдир.

Журналист ахлоқ-одоби, маънавияти нафақат унинг ўзи, балки бутун миллий журналистикамиз шаъни, ориятини ифода этади. Чунки халқимиз наздида журналист — жамият виждони, илғор кучи ва зиёли инсон бўлиб, бу ишончни сўндирмаслик, унга лойиқ бўлиш ҳар биримизнинг вазифамиз. Айни шу мақсадда ўтган йили "Ўзбекистон Журналистларининг касб этикаси кодекси" қабул қилинди. Унга биноан, ўзи тарқатаётган ахборотнинг ишончлилигини текшириш ва холис ахборот тақдим этиш журналистнинг мажбуриятидир. Журналист ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилган ахборотнигина тарқатади ва шарҳлайди. Бунда у камида иккита мустақил манба орқали ахборотни текшириб кўриши лозим. Умид қиламизки, кодекс ҳар биримизнинг фаолиятимизда асосий ахлоқий мезон бўлиб қолади.

Бугуннинг шиори ягона: ўзингни ва ўз элингни асра!

***Мардга мард дўст қўлин чўзгани дуруст,***
***Элдан дард кетгуси бирлашса улус.***
***Асло тарк этмасин юртни омонлик,***
***Меҳру оқибатга тушмасин "вирус".***

**Саъдулла ҲАКИМОВ,**
*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси.*
**ЎзА**

*Оқлов*

# «МЕН АФВ ЭТИЛДИМ,

## *бунинг учун Президентимиздан чексиз миннатдорман», — дейди Бағдод туманида яшовчи Зуҳрахон Исмоилова*

**Бу йилги 8 март айёми Зуҳрахон учун қўшалоқ байрам бўлди. Чунки у давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 6 мартдаги "Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган бир гуруҳ маҳкума аёлларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонига биноан озодликка чиқди. Яъни З.Исмоилованинг ўталмай қолган 2 йилу 3 ойлик жазо муддати озодликни чеклаш жазосига алмаштирилди.**

Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, З.Исмоилова қайси қилмиши учун жазога тортилган эди?

Гап шундаки, айни пайтда 30 ёшга кирган Зуҳрахон Исмоилова бундан 3 йил аввал ҳеч қаерда ишламагани боис маҳалладаги аёллар билан бирга турли кунлик юмушларни бажариб, пул топарди. Бир куни — тахминан 2017 йилнинг декабрь ойида қўшни Олтиариқ туманида яшовчи Равшан исмли йигит 3-4 нафар аёлни дала ҳовлисини тозалаш ва супур-сидир ишларини бажариш учун олиб боради.

Ўша куни аёллар ичида энг ёши Зуҳра бўлгани сабабли Равшан кўпроқ унга эътибор қаратди. Натижада иккиси тезда тил топиб олишади.

Шундан сўнг уларнинг танишуви илиқ муносабатга айланади. Бора-бора кунда-кунора учрашиб, бир-бирини кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолишади. Йигит тез орада совчи юборишини айтганда эса, бундан масрур бўлган қиз ўзини унга топшириб қўяди. Оқибатда дала ҳовлидаги пинҳоний учрашувлар изсиз кетмайди...

Аммо Зуҳра бу ҳақида онасига ҳам, опасига ҳам, ҳатто эгизаги Фотимага ҳам айтмайди. Фақат тўрт ой деганда, Фотиманинг ўзи синглисининг юриш-туриши ва ўзини тутишидан гап нимада эканини сезиб қолади. Кейин эса, онаси ва опаси воқиф бўлади сирдан. Бироқ бу пайтда Равшан Россия Федерациясига ишлаш учун кетганди. Шу боис Муқаддас опа қизига тезроқ боладан қутулиш лозимлигини айтади. Лекин З.Исмоилованi текшириб кўрган шифокор аёл энди кеч бўлганини маълум қилади.

Шундан сўнг Зуҳра болани дунёга келтириб, уни бирор бефарзанд оилага бериб юбориш ҳақида ўйлайди. Текинга эмас, албатта. Бинобарин, туғилажак гўдакка харидор излай бошлайди. Шунда унга танишларидан бири тумандан пойтахтга қатновчи Маҳмуджон исмли кишининг телефон рақамини беради.

(Давоми 4-бетда) ▶

*Кутилмаган совуқ хабар Раҳимсўфи маҳалла аҳлини буткул карахт аҳволга солиб қўйди. Гап шундаки, шу куни уч фарзанднинг отаси Аҳмад Нурматов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўз хонадонида тўнғич ўғли Шуҳрат Нурматов томонидан шафқатсизларча ўлдирилиб, ҳовлидаги сувсиз қудуққа ташлаб юборилгани ошкор бўлди.*

*Жиноят ва жазо*

# Разолат чоҳи

**Суд очерки**

Хўш, бу мудҳиш воқеа қандай содир бўлди? Нега ўғил бундай разил қилмишга қўл урди?

Бу каби сўровларга жавоб топиш ҳамда машъум фожиа тафсилотларига ойдинлик киритиш учун аввало ушбу хонадондаги муҳитга назар ташлаш жоиз.

Марҳум Аҳмад Нурматов аввалига турмуш ўртоғи Марям Саломова билан тинч-тотув яшаб, уч фарзандни вояга етказишди. Негадир кейинчалик эр-хотин ўртасида ўзаро келишмовчилик, ножўя гап-сўзлар кўпая борди. Бу орада Марям бир неча марта болаларини етаклаб, ота хонадонига кетиб қолди. Бироқ кейинчалик маҳалла-кўй, яқинларининг аралашуви боис, фарзандларининг тақдирини ўйлаб, яна оиласига қайтиб келди. Шундан сўнг уларнинг турмуши яна бир маромда давом эта бошлагандай эди.

Қарангки, бундан икки йил муқаддам арзимас нарсалар устидаги эр-хотиннинг ўзаро тортишуви катта можарога айланди. Шундан сўнг бу оилада машмашаларнинг чеки кўринмай қолди.

Ахийри, уруш-жанжаллардан тамомила безиган аёл қизи Наргизани етаклаб, яна ота хонадонига қайтиб борди. Ўғилларининг каттаси Шуҳрат ва энг кичиги Озодбек отаси билан бирга қолди.

Бу гал маҳалла кайвонилари эр-хотинни муросаю мадорага келтиришга қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир фойдаси бўлмади. Қисқаси, бир оила парокандаликка юз тутиб, фарзандлар ҳам аросатда қолди.

(Давоми 4-бетда) ▶

*Қилмиш-қидирмиш*

# Адашганлар

## *улар наинки ўзлари завол топди, балки бошқаларни ҳам чоҳга тортишга уринишганди*

***Ҳеч кимга сир эмас, бугун дунё жамоатчилигини қаттиқ ташвишга солаётган иллатлардан бири – гиёҳвандлик балосидир. Гиёҳвандлик ва гиёҳфурушлик аталмиш иллат иродаси, иймон-эътиқоди заиф кимсалар онгини тезда забт этиб олади. Оқибатда эса, улар бу машъум оғунинг қулига айланади.***

Инсон табиатидаги бу янглиғ заифлик гиёҳфурушлик йўли билан бойишни кўзлаган кимсаларга, айниқса, қўл келди. Ва "дори"га ружу қўйиб, унга "банди" бўлганлар беихтиёр гиёҳфурушларнинг қулига айланишади.

(Давоми 4-бетда) ▶

*Оқлов*

# «МЕН АФВ ЭТИЛДИМ,

## *бунинг учун Президентимиздан чексиз миннатдорман», — дейди Бағдод туманида яшовчи Зуҳрахон Исмоилова*

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Муқаддам 2 маротаба судланган Маҳмуджон Абдуқодиров эса, З.Исмоиловани мўмай даромад манбаи сифатида қучоқ очиб қарши олди.

— Албатта, сизга ёрдам бераман, синглим, — дейди у ҳадемай туғиладиган чақалоқни сотиб, қанча пул ишлашини тасаввур қиларкан. — Тошкентда фарзандга муҳтож оилалар кўп. Болангизни дарров сотиб олишади, туғруқхона харажатлари ва ҳужжат ишларини ҳам ўзлари қилишади.

У шундай деб ўша куниёқ ишга киришади. Яъни таниши Маъмура Ғуломовага қўнғироқ қилиб, Зуҳранинг туғилажак фарзандини сотиши ҳақида хабар беради. Аммо бу ҳаракатнинг жиноят эканлигини яхши билган М.Ғуломова ўша кунлардаёқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилади. Натижада қонун ҳимоячилари мазкур мурожаат асосида тезкор тадбирга киришишади. Ўз навбатида, Маъмура Ғуломова жиноятни фош қилишда тезкор ходимларга кўмаклашади. Аниқроғи, у Зуҳрахон билан учрашгач, жиноятнинг бошқа иштирокчилари ҳам бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида бу гапдан яна ким хабардорлигини сўрайди. Содда қиз эса, онаси Муқаддас Исмоилова ҳам болани сотишга қарши эмаслигини билдиради. Шу боис М.Ғуломова М.Исмоилова билан телефон орқали боғланади. Оқибатда онабола дунёга келажак чақалоқни 3000 АҚШ долларига сотмоқчи эканлигидан воқиф бўлади. Бироқ М.Абдуқодиров бола 7000 АҚШ долларига сотилишини маълум қилади.

Шундай қилиб, Маҳмуджон ака З.Исмоиловани Ангрен шаҳридаги бир танишининг уйига вақтинча жойлаштиради. 2019 йил 28 август куни эса, шаҳар туғруқхонасида Зуҳрахоннинг кўзи ёриб, қиз фарзанд кўради. Бу жараён билан боғлиқ барча югур-югурларни М.Абдуқодировнинг ўзи амалга оширади. Шу аснода у "Исмоилова София Иброҳим қизи" дея қайд этилган туғилганлик гувоҳномасини ҳам олиб келади. Кейин эса, чақалоқ ва онасини уяли телефонига суратга олиб, М.Ғуломова топган харидор Татяна Латунинага телеграм тармоғи орқали жўнатади. Шунингдек, Зуҳрахондан фарзандини ўз хоҳиши билан сотаётгани ҳамда сотиб олган инсонга ҳеч қандай даъвоси йўқлиги хусусида тилхат ҳам ёздириб олади. Қолаверса, гўдак туғилгунча харажатлар кўпайиб кетганини билдириб, нархни 8500 АҚШ долларига кўтаради...

— Майли, розиман. Фақат пулини болани Тошкентга олиб келганингизда бераман, — дейди "харидор" Т.Латунина.

У бу гапни тезкор ходимларнинг кўрсатмаси билан айтганди. Охир-оқибат 2018 йил 9 сентябрь куни Маҳмуджон билан Муқаддас опа Яшнобод туманидаги "Mustang" номли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси ёнида Татьяна ва Маъмурага боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ҳамда Зуҳрахоннинг тилхатини бериб, келишилган пулнинг 8000 АҚШ долларини олаётган маҳалда ушланади.



Шундан сўнг М.Абдуқодиров, З.Исмоилова ва М.Исмоиловаларга нисбатан Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми "а"-банди билан жиноят иши қўзғатилади. Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2019 йил 15 мартдаги ҳукми билан Маҳмуджон 5 йил 6 ой, Зуҳрахон 3 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилади. Муқаддас опага тайинланган 3 йил 6 ойлик озодликдан маҳрум қилиш жазоси эса, Жиноят кодексининг 72-моддасига биноан шартли ҳисобланиб, 2 йил синов муддати белгиланади.

Ҳаётда ҳеч бир инсонни фарзанд доғига дучор қилмасин экан. Тақдирнинг ҳукмини қарангки, қизининг бу қилмишини кўтаролмаган Жумайдулла ака 2019 йил октябрь ойида омонатини топширади.

Бу йилги байрам арафасида эса...

— Мен Зангиота туманидаги аёллар колониясида жазо муддатини ўтаётгандим. Шу йилнинг олтинчи март куни Президентимиз 83 нафар хотин-қизларни афв этганларини, улар орасида ўзим ҳам борлигимни эшитиб, йиғлаб юбордим. Дарров онамга қўнғироқ қилиб, хабар бердим. Онам ўша куниёқ етиб келди. Бунинг учун давлатимиз раҳбаридан чексиз миннатдорман, — дейди З.Исмоилова биз билан суҳбатда. — Тергов ва суд жараёнида ҳам, жазо муддатини ўтаётганимда ҳам хатоларимни тушуниб етдим, энди қайта жиноятга қўл урмайман. Тенгдошларим ва ёш сингилларимга ҳам ҳаётда адашиб, алданиб қолмасликларини тилайман. Эндиги ниятим фарзандим Софияхонни "Меҳрибонлик уйи"дан олиб, ўзим тарбия қилмоқчиман.

З.Исмоилованинг маълум қилишича, Бағдод туман ички ишлар бўлимининг хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори Марғуба Маматованинг ёрдами билан янги фуқаролик паспортини олиш учун туман ИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига ҳужжатларини топширган.

— Бундан ташқари Зуҳрахон тиббий кўрикдан ўтказилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 баравари — 1.338.000 сўм миқдорида ижтимоий нафақа билан таъминланди. Шу билан бирга, у туман ободонлаштириш бўлимига ишга жойлаштирилди. Қолаверса, муқаддам мактаб директори вазифасида ишлаб нафақага чиққан, "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Муножаатхон Ғаниева унга мураббий сифатида бириктирилди. Энг муҳими, Зуҳрахон ва бошқа афв этилган опа-сингилларимиз халқимизга хос бу кечиримлилик ҳамда бағрикенгликнинг қадрига етсалар бўлгани, — дейди Фарғона вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Комилахон Кавлонова.

Хулоса қилиб айтганда, кечиримлилик — халқимизга хос улуғ фазилат. Айниқса, илк бор қалтис қадам қўйган аёлнинг панжара ортидаги машъум қисмати ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ўйлаймизки, Зуҳрахон бундай одилона имкониятдан оқилона фойдаланади. Қолаверса, унинг жиноят кўчасидаги қора қилмишлари кўланкаси нафақат ўзи ва норасида қизи, балки бу "савдо"дан бохабар бошқа инсонларни ҳам сергакликка, тўғри йўлга ундаши шубҳасиздир. Зеро, хатосидан тўғри хулоса чиқариб, ўзини ўнглаб олиш ҳам чинакам инсонийлик сифатларидан саналади.

**Хуршид СУЛТОНОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*




◀ (Бошланиши 3-бетда)

Ота уйида қолган оиланинг тўнғич фарзанди Шуҳрат қишлоқ ҳудудидаги фермер хўжалигида мавсумий ишчи бўлиб ишлай бошлади. Ишлаш асносида фермер билан ғалла ҳосили мавсумида иш ҳақи ҳисобидан 800 кило, яъни 1 миллион 360 минг сўмлик буғдой олишга келишиб ҳам олди.

Ваъдага биноан, ғалла мавсуми ниҳоясида фермер Шуҳратга келишилган миқдордаги буғдойни ҳисоблаб беради. Ҳосилни Шуҳрат ота хонадонига олиб келиб туширади ва орадан бир ҳафта ўтгач эса, қўшни Самарқанд вилоятидан танишлари орқали иш топиб, ишлаш учун жўнаб кетади.

Одатий кунларнинг бирида Шуҳрат Самарқандда ишлаб юрганида отаси унга қўнғироқ қилиб, "Уйга келиб кет, эртага бозор бўлади, буғдойни сотмоқчи бўлсанг, сотиб юбор, пулини нима қилсанг, ўзинг биласан", деб қолди. Шундан сўнг Шуҳрат уйига қайтиб келди.

Шуҳрат Самарқанддан қайтгач, тўғри онаси вақтинча яшаб келаётган бобоси Содиқ Пирматовнинг хонадонига келиб, отасининг гапини онасига етказди.

Хуллас, шу куни Шуҳрат буғдойни олиб келиш мақсадида онаси Марям опа ҳамда тоғаси Ҳамдамлар билан ота уйига боришади. Уларни тунд ҳолда, совуқ қарши олган отаси негадир онаси ва тоғасини ҳатто дарвозадан ичкарига ҳам киритмайди.

"Ғаллани олиб кетгин", деб ўғилни чақирган ота энди тўнини тескари кийиб олиб, буғдойни бериб юборишга у-бу баҳоналарни рўкач қилиб, пайсалга сола бошлади. Бундан норози бўлган Шуҳрат тоғаси билан маҳалла раиси ҳамда маҳалла профилактика инспекторига арз қилишади. Вазиятни англаган маҳалла оқсоқоли ва профилактика инспектори Аҳмад акага қўнғироқ қилиб, иш ҳақи эвазига келган буғдойни ўғлига бериб юборишини ётиғи билан тушунтиришади.

Шундан сўнг эртаси куни Шуҳрат онаси билан ғаллани олиб келиш мақсадида яна ота хонадонига йўл олади. Уларни кўриб, жаҳл отига минган ота бу гал ҳам аёлини кўчада қолдириб, ўғлига ҳовлига кириб буғдойни олиб чиқишига изн беради.

Шу асно Шуҳрат ерга тўкиб қўйилган донни бўш халталарга жойлар экан, отаси тўсатдан ўғлига ташланиб, уни силкилай бошлади. Отасининг бу хатти-ҳаракатидан тамомила саросимага тушиб қолган Шуҳрат атрофда лойга ботиб ётган таёқни олиб, ура бошлади. Таёқ зарбидан Аҳмад аканинг оёғи қаттиқ жароҳатланиб, йиқилиб тушади.

Дарвоза ортида Шуҳратнинг чиқишини кутиб ўтирган онаси ичкаридан бақир-чақирларни эшитиб: "Отангни ўлдириб қўясан-ку", дея югуриб келиб, уларнинг орасига тушади. Орадан бир оз ўтгач, эрининг қонга беланиб ётганини кўрган Марям опа кўчада ўйнаб юрган кичик ўғли Озодбекни чақириб, учовлон Аҳмад акани ошхонага кўтариб олиб киришади. Кейин эса, Марям опа Шуҳратга отасини бошқа урмаслигини тайинлаб, яна изига қайтиб кетади.

Таассуфки, онаси кетиб қолгач, Шуҳрат укаси Озодбекни ҳам алдаб, ошхонадан чиқариб юборади-да, кўзи қонга тўлган қўйи, раҳм-шафқат деган тушунчани мутлақо унутиб қўйиб, ошхона четида ётган темир бўлагини олиб, ўлим билан курашиб ётган отасининг бошига қайта-қайта уради.

Қисқаси, кетма-кет урилган оғир зарбдан Аҳмад ака воқеа жойида жон таслим қилади.

Кейин эса, Шуҳрат қотилликни яшириш мақсадида жасадни йўқотиш йўлларини излай бошлади. Шу пайт тўсатдан унинг хаёлига аллақачон суви қуриб қолган ҳовлидаги қудуқ келди. У супа четида ётган арқонни олиб, жасаднинг бўйин қисмидан икки-уч марта айлантириб олди. Сўнг эса, ҳовли тўрида молларга сув бераётган укаси Озодбекни чақириб, унга оталарини ўлдириб қўйганлигини айтиб, жасадни йўқотишга ёрдам беришини сўрайди:

— Нега ундай қилдингиз, ака?! — деди Озодбек юм-юм йиғлаб. — Нега отамни ўлдирдингиз?

— Йиғлама, — дейди у. — Бошқа иложим қолмади. Онамга, бизларга етказган шунча азоблари учун ўлдирдим.

Акасининг гапидан Озодбек баттар уввос тортиб йиғлайди.

— Бўлар иш бўлди, йиғини бас қил. Энди жасадни йўқотишимиз керак, бу ҳақда ҳеч кимга оғиз оча кўрма. Акс ҳолда, мен қамалиб кетаман. Сен жасадни ҳув анави қудуғимизгача судрашиб борсанг, бўлди. Қолганини ўзим эплайман.

Шундан сўнг ака-ука жасадни қудуқ томон судрай бошлайди...

Узоқ давом этган суриштирув ва тергов ишлари асносида Шуҳратнинг қотиллиги фош этилди.

Суд ҳайъати ушбу жиноятни батафсил ўрганиб чиқиб, судланувчи Шуҳрат Нурматовни Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этди.

Инчунин, суд судланувчи Марям Алибоевага жазо тайинлашда, унинг айбига иқрор ва пушаймонлигини, муқаддам судланмагани, қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлиги, қилмиши оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кириши, оилада асосий боқувчи экани, бир оиладан икки киши судланаётганини инобатга олган ҳолда, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин, деб ҳисоблаб, муайян муддатда озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топди.

Шу ўринда кўнгилдан баъзи бир мулоҳазалар кечади. Аллақачон парокандаликка юз тутган бу оиланинг ҳаётини яқиндан билган маҳалла-кўй, қўни-қўшни, қавм-қариндошлар ўз вақтида вазиятни яхшилашга ҳаракат қилганларида, эҳтимол, бу фожиа юз бермаган, ўғил эса, отасининг қотилига айланмаган бўлармиди?!

Эҳтимоллар кўп. Аммо энди бундан фойда йўқ. Шундай экан, юқоридаги каби нохуш воқеаларнинг қайта такрорланмаслиги учун теварак-атрофимизга теранроқ боқишимиз, одамларнинг ҳаётига ҳеч қачон бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Мазкур мақолани ёритишдан асл муддао ҳам шу.

**Фозил ЮСУПОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг судьяси*
**Абдунаби БОБОЁРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*




◀ (Бошланиши 3-бетда)

Албатта, барча замонларда ҳам бу жирканч қилмишга қўл уриб, ўзгалар ҳаётини заҳарлаш, одамларни унинг қулига айлантиришга қаратилган ҳаракатлар қаттиқ қораланган. Масаланинг узил-кесил ечими эса, суд жараёнида рўёбга чиқади. Унда адолат ва ҳақиқат устуворлиги тамойилига қатъий амал қилинади. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтган навбатдаги суд жараёнларида жиноят ишлари бўйича Тўрткўл туман суди томонидан 2015 йилнинг декабрь ойида кўрилган бир жиноят иши Олий суднинг протестига асосан қайта кўриб чиқилди. Мазкур жараёнда айнан юқорида уқтирилган ҳолат: "оғу"нинг қулига айланган бир гуруҳ шахсларнинг қилмишига қонуний баҳо берилди.

Айтиш кераккки, бундан тўрт йил муқаддам чиқарилган суд ҳукмида қайд этилишича, Нукус туманининг Узункўл кўрғони, Каттагар овулида яшовчи Баҳром Аминов, Ниятулла Торебоев, Тўрткўл туманининг Оққамиш овулида истиқомат қилувчи Амангелди Аразматов, Бобомират Тағановлар 2013-2015 йиллар давомида жами 9 та ҳолатда оғир оқибатли гиёҳвандлик жиноятига қўл уришган. Улар жиноий қилмишларини уюшган, ўзаро тил бириктирган ҳолда амалга оширишган. Бу жараёнда турли хуфя йўллар билан қўлга киритилган 224 грамм "таръяк" гиёҳвандлик моддасини сақлаб келиб, 16 миллион 940 минг сўмга сотиб юборишган. Албатта, уларнинг бу қилмиши жиддий жазога сабаб бўлган. Яъни уларнинг ҳар бири Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисмига мувофиқ 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Аммо айбдор деб топилганлар суд ҳукмидан норози бўлиб, юқори инстанцияга мурожаат қилишди. Хусусан, улар Олий судга кассация тартибида мурожаат қилишди.

Жиноят иши Олий Судда батафсил ва атрофлича ўрганиб чиқилгач, уни биринчи босқич судида қайта муҳокама қилиш зарур, деган хулосага келинди.

Шундан сўнг маҳкумлар шикояти замиридаги ҳақиқат юзага қалқиб чиқди. Дастлабки босқич суди томонидан жами 9 маротаба содир этилгани баён қилинган жиноий кирдикорларнинг 8 таси маҳкумлар гарданига асоссиз юклангани, шу юзасидан чиқарилган ҳукм эса, шубҳа-гумон ва тахминларга асосланган ҳолда, айбланувчиларнинг иқрорлигига кўра, чиқарилгани маълум бўлди. Аниқланишича, айбланувчилар ушбу 8 та жиноий қилмишни тасдиқловчи далил-исботларсиз суд қилинган. Бу эса, табиийки, қонун талабига зид. Маҳкумлар ана шу аснода 2013-2015 йиллар давомида амалга оширилгани қайд қилинган бир қатор айблардан халос бўлишди. Лекин айб бутунлай асоссиз эмас. Судланганлар 2015 йилнинг 2 сентябрь куни ашаддий жиноий қилмиш устида қўлга олинган ва бундай кирдикор учун қонун олдида жавоб бермоғи, пировардида эса, ўз қилмишининг қидирмишини татимоғи, шу аснода жазонинг муқаррарлиги таъминланмоғи шарт.

...Нукуслик Б.Аминов ўша куни саҳарлаб таниши Н.Торебаевга сим қоқди. Зарур иш чиқиб қолганини айтаркан, автомашинасида тезда етиб келишини илтимос қилди. Ниятулла ҳам ҳаяллламади. Орадан 5-10 дақиқа ўтмаёқ бошқарувидаги "95 J 087 BA" давлат рақамли "Нексия" русумли автомашинасини Баҳромбойнинг хизматига шай қилди. Танишлар вақтни беҳуда ўтказишмади. Ниятулла Баҳромнинг кўрсатмасига мувофиқ автомашинасини Тўрткўл томон ҳайдади. Шериклар узоқ йўл босиб, чошгоҳ маҳали кўзланган манзилга етиб келишди. Баҳром овлоқроқ жойда автомашинадан тушиб, у ёғига якка ўзи кетди. Ниятулла йўл ёқасида қолди. Мижоз ўзини кўп куттирмади. Ярим соат ўтмаёқ яна Ниятулланинг автомашинаси олдида пайдо бўлди: қўлида алланима жойланган елим халта. "Нексия" яна пойтахт — Нукус сари йўл олди. Бироқ автомашина ортга катта магистраль йўл бўйлаб эмас, балки ички ва айланма йўллар орқали қайтди.

Аммо "Нексия" Беруний тумани бўйлаб ҳаракатланиб бораётган пайтда кутилмаганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари уни тўхтатишди. Иш тескарисига кетди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари автомашинани кўздан кечирамиз, дейишди. Ниятулла эса, бунга ҳожат йўқлигини айтди ва Баҳромбой томонидан ҳали қўлига тутқазилган елим халтани автомашина ичидан олиб, тезкор ходимлар қўлига тутқазди. Машъум жиноятнинг совуқ турқи ана шу аснода кўринди. Автомашинанинг хуфя жойидан топилган матоҳ эса, вазни 48,48 граммдан иборат ҳақиқий оғу-"қорадори" бўлиб чиқди. Изқуварлар фурсатни бой беришмади. Автомашина ичидан топилган "дори"нинг изини қувишди. Ипнинг учи тағин Тўрткўл, аниқроғи, ушбу туманнинг "А.Дурдиев" овули сари етаклади. Пировардида судга айбланувчи сифатида жалб қилинган Бобомурод Тағанов ана шу манзилда истиқомат қилади. У вазни юқорида зикр қилингани миқдоридаги "дори"ни ўша куни 2 миллион 700 минг сўм эвазига харид қилгани ва шу куниёқ нукуслик Б. Аминовга жами 3 миллион 500 минг сўмга сотганини тан олди. Изқуварлар яна йўлга тушишди ва туманнинг узоқ "Оққамиш" овулига етиб боришди. Шу манзилда яшовчи Амангелди Аразматов ҳам қилмишидан тонмади. Машъум воқеа рўй берган куни Б.Тағановга 50 грамм оғирликдаги гиёҳвандлик моддасининг ҳар граммини 55 мингдан, жами 2 миллион 700 минг сўмга сотганини тан олди. Яхшиямки, бу гиёҳвандлик воситаси ўз вақтида тўхтатиб қолинди. Йўқса, яна қанчадан-қанча одамларни ўзига тобе, хор ва афгор этиши, не-не оилалар кулфат ва аросат домига тушиши мумкин эди.

Кейинги босқичда ўтказилган суд жараёнида масаланинг ушбу жиҳати олдинги маррага чиқди. Қилмиш атиги бир марта содир этилгани аниқланган, бошқалари эса, ўз исботини топмагани боис муқаддам қўйилган айбдан чиқарилган бўлса-да, жиддий таъсирий чора учун шунинг ўзи етарли эди. Ушбу босқичда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти судлари томонидан ўтказилган такрорий тергов-суриштирув жараёнларида Жиноят кодексининг 273 моддаси 5-қисми бўйича аввалги судлов тадбири асносида қўйилган айб асосли, деб топилди. Гарчи дастлабки судлов маҳали айбланувчилар зиммасига жами 9 та ҳолат бўйича юкланган айбларнинг 8 таси улар гарданидан соқит қилинган бўлсада, мазкур модда талаблари бу гал ҳам татбиқ этилди. Суд ажрими ушбу моддага биноан чиқарилди.

Суд жараёнида айбланувчилардан яна бир айб — "уюшган гуруҳ" "ёрлиғи" ҳам олиб ташланди.

Такрорий суд мажлислари чоғи ушбу ҳолатларнинг бари инобатга олинди. Айбланувчиларни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга қарата муқаддам чиқарилган суд ҳукми ўзгартирилди, улар зиммасидаги жазо муддатлари сезиларли тарзда қисқартирилди ва уни ўташ шартлари енгиллаштирилди. Бунинг устига Олий Мажлис Сенатининг 2016 йил12 октябрдаги амнистия актига мувофиқ жазо муддати яна учдан бирига қисқартирилди. Бироқ шу озгина жазонинг ўзи ҳам оғир ҳамда аянчли қисмат ва инсон учун иснoддан бўлак ҳеч нарса эмас. Чунки чинакам бахтли ва тотли ҳаётни эса, уқтирилгани янглиғ ҳалоллик, поклик, фидойилик, меҳнатсеварлик, чин инсонийлик аталмиш нурли ва истиқболли манзиллардан изламоқ жоиз.

**Музаффар САМАНДАРОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг судьяси,*
**Абдулла СОБИРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

**Куч — адолатда**

*МУАССИС:*
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

*Бош муҳаррир:*
**Шодикул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

*ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:*

**Козимджан КАМИЛОВ**
**Икрам МУСЛИМОВ**
**Холмўмин ЁДГОРОВ**
**Бахтиёр ИСАКОВ**
**Светлана АРТИКОВА**
**Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ**
**Замира ЭСОНОВА**
**Олим ҲАЙИТОВ**
**Азиз МИРЗАЕВ**
**Бобомурод РАЙИМОВ**

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
**Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54**
**E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-323. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 10508
2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 23³⁰. Топширилди: 5³⁰.